

А Ж Р И М

(ярашганлик муносабати билан жиноят ишини тугатиш тўғрисида)

2024 йил сентябрь ойининг 10 куни, Тошкент шаҳар жиноят ишлари бўйича Бектемир туман суди, Нурафшон МФЙ биносида, очиқ сайёр суд мажлисида, раислик қилувчи судья Н.И.Иноятова, судья ёрдамчиси А.Р.Утбасаров, тарафлардан давлат айбловчиси Бектемир туман прокурорининг катта ёрдамчиси А.Азизов, жабрланувчи С.Хожаева, гумон қилинувчи Д.Галабоев ва унинг ҳимоячиси “AL-RAMUS НІМОҲА” адвокатлик фирмаси адвокати Д.Мирсагатоваларнинг иштирокида, Галабоев Давлатбек Мансуржон ўғлига нисбатан 1-1010-2404/506-сонли ишни кўриб чиқди.

Иш ҳужжатларига кўра:

Галабоев Давлатбек Мансуржон ўғли (Galaboyev Davlatbek Mansurjon o'g'li) - 25.06.2006 йилда Самарқанд вилоятида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта, вақтинча ишсиз, бўйдоқ, муқаддам судланмаган, Самарқанд вилояти, Қўшробод тумани, Қуролос “МФЙ”, Қуролос кўчаси, 2-уйда истиқомат қилади

Ўзбекистон Республикаси ЖК 167-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганликда гумонланувчи тариқасида жалб қилинган.

Суд гумон қилинувчи ва жабрланувчининг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ҳамда ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Дастлабки тергов ҳужжатларига кўра, 2024 йил 19 июнь куни соат тахминан 17:00 ларда Д.Галабоев, ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилиш мақсадида, Бектемир тумани, Нурафшон МФЙ, Нурафшон кўчаси 2-уйда бўла туриб ушбу уйда яшовчи С.С.Хожаева унга ишониб топширган нонларини манзилларга тарқатиб чиқиб, ўзи томонидан тарқатилган нонларнинг жами 660.000 сўм пулларини жойлардан йиғиб чиқиб, ушбу пулларни, “KFC” номли егулик олиб келиш учун берилган 80.000 сўм пулни



ўзининг шахсий эҳтиёжлари учун сарфлаб юборганлиги аниқланган.

Шундай қилиб, Галабоев Давлатбек Мансуржон ўғли ўзининг қасддан содир этган хатти-ҳаракатлари билан, айбдорга ишониб топширилган ёки унинг ихтиёрида бўлган ўзганинг мулкани ўзлаштириш ёки растрата қилиш йўли билан талон-тарож қилишда ифодаланган Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 167-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этган.

Гумон қилинувчи Д.Галабоев суд мажлисида айбига тўлиқ иқрор бўлиб қуйидагиларни, яъни у 2024 йил 18 июнь куни Самарқан вилоятидан туриб Тошкент шахрига қараб йўл олганлигини, сабаби Тошкент шахрида ишлаб пул топиб инглиз тили бўйича (sefr) сертификатини қўлга киритмоқчи бўлганлигини, у инглиз тилини яхши билишини, шунинг учун (Sefr) сертификатини олиб олий таълим муассасаларидан бирига ўқишга кириш мақсади бўлганлигини, 2024 йилнинг 10 июнь куни Самарқанд вилоятида (sefr) сертификатини қўлга киритиш учун бўлиб ўтадиган имтиҳонда қатнашиш учун онлайн тарзда рўйхатдан ўтганлигини, 2024 йил 18 июнь куни соат тахминан 13:00ларда Тошкент шахрига етиб келиб, Олмазор метро бекати олдида қолганлигини, шу пайт у соат 14:00ларда Тошкент шахар, Бектемир туманида жойлашган “Қўйлик” дехқон бозори олдидаги Нурафшон МФЙга келганлигини, у ерга боришидан мақсад 2023 йилнинг ёз ойларида у дастлаб шу маҳаллада яъни Хожаева Сайёра исмли шахснинг новвойхонасининг олдида жойлашган Рўзимурод исмли танишининг новвойхонасига келиб, Рўзимурод акадан пул топиши учун иш олмоқчи бўлганлигини, Нурафшон МФЙга келиб Рўзимурод аканинг новвойхонасига бориб уни қаердалигини суриштирганида, унинг ёнидаги новвойхонада ишловчи Хожаев Давлатжон исмли одам унга Рўзимурод ака Россияга ишлаш учун кетган деб айтганлигини, шу пайт С.С.Хожаевага мობода сизда иш ёқми, менга пул керак агар иш бўлса мени ишлатинг деб айтганлигини, шунда С.С.Хожаева унга бозорда нон ташиш учун ишчи кераклигини маълум қилганлигини, у унинг таклифига рози бўлганлигини, шу пайт С.С.Хожаева унга ўзлари ишлайдиган ҳовлидан очилган новвойхонанинг ёнидан ётоқ жой қилиб беришганлигини, шу куни С.С.Хожаеванинг вояга етмаган фарзанди унга нон тарқатиб келинадиган манзилларни кўрсатиб чиқганлигини, шу куни у С.С.Хожаева билан ўзаро иш ҳаққини келишиб олганлигини, орадан бир кун ўтиб 2024 йил 19 июнь куни соат 06:30лардан



тарқатилиши лозим бўлган манзилларга нон тарқатиб чиққанлигини, С.С.Хожаевдан оёқ кийим олиш учун 50.000 сўм пул сўраганлигини, С.С.Хожаева унга 50.000 сўм пул берганлиги ва С.С.Хожаева унга дастлаб манзилларга тарқатилган нонларнинг пулларини йиғиб келишини айтганлигини, шу билан бирга С.С.Хожаева унга 80.000 сўм пул бериб кечки овқатга “KFC” таомидан олиб келиб беришини таъкидлаганлигини, у унинг кўрсатмаси бўйича манзилларга бориб жами нонларнинг 660.000 сўм пулларини йиғиб олганлигини, шу пайт унинг ёнида ушбу 660.000 сўм пуллар, С.С.Хожаева унга “KFC” егулиги учун берилган 80.000 сўм пуллар ва унга оёқ кийим оласан деб берган 50.000 сўм пуллари бўлганлигини, шу пайт у ҳисоблаб кўрганида жами 790.000 сўм пуллар унинг қўлида турган эканлигини, шу пайт у (Sefr) номли сертификатини олиш учун имтиҳон топширишга 459.000 сўм пул кетиши, қўлида турган 790.000 сўм пул ушбу харажатларига етишини билиб, барчасига кўз юмиб ўзи билан етаклаб юрган ноннинг аравачасини “Қўйлик” дехқон бозорининг олдида ташлаб, ўзи эса Самарқандга яъни яшаш хонадонига қайтиб кетганлигини, мазкур пулларни (sefr) номли сертификатининг имтихони учун сарфлаб юборганлигини, жабрланувчи С.Хожаевага етказилган моддий ва маънавий зарарни тўлиқ қоплаб, ундан кечирим сўраб, ўз қилмишига чин кўнгилдан пушаймонлигини ва жабрланувчи С.Хожаева билан ярашиб олганлиги сабабли, жиноят ишини ярашганлиги муносабати билан тугатишни сўради.

Жабрланувчи С.Хожаева суд мажлисида қуйидагиларни, яъни 2024 йил 18 июнь куни Д.М.Галабоев унинг вақтинчалик истиқомат қиладиган ўйи ҳамда новвойхонаси Бектемир тумани, Нурафшон МФЙ, Нурафшон кўчасида жойлашган 2-уйга ишлаш учун келганлигини, уни нон ташувчи қилиб ишга олганлигини, 2024 йил 19 июль куни улар унга нонларни аравачага солиб, манзилларга тарқатиб чиқишлик учун берганлигини, шу куни Д.М.Галабоевга дастлаб манзилларга тарқатиб чиқишлик учун берган нонларини пулларини дўконлардан йиғиб чиқиб, унга олиб келиб беришини такидлаб унга яна 80.000 сўм пулларини бериб, уйга қайтаётганида “KFC” номли егулик олиб келишини айтганлигини, аммо Д.М.Галабоев шу куни уйларига қайтиб келмаганлиги ва унга берган нонларининг жами 660.000 сўм пулларини, нон юкланган аравачани ҳамда 80.000 сўм пулларни ўзи билан олиб кетиб қолганлигини билганлигини, Д.М.Галабоев эса унга 660.000 сўм пулларни,



80.000 сўмни ҳамда нон ташиш учун мўлжалланган аравачининг 300.000 сўм пулларини қайтариб берганлигини, ҳозирда гумон қилинувчи Д.Галабоев томонидан унга етказилган моддий ва маънавий зарар тўлиқ қоплаганлиги, уни айбини тўлиқ бўйнига олиб, ундан кечирим сўраганлигини, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини ва гумон қилинувчи Д.Галабоев билан ярашганлиги сабабли, жиноят ишини ярашганлиги муносабати билан тугатишни сўради.

Суд жиноят иш ҳужжатлари ва жабрланувчининг судга тақдим этган ярашув тўғрисидаги аризаси билан танишиб, ишда қатнашаётган прокурорнинг Д.Галабоевга нисбатан жиноят ишини томонлар ярашуви муносабати билан ҳаракатдан тугатиш ҳақидаги хулосаларини эшитиб, гумон қилинувчини ўз айбига иқрорлигини, жабрланувчи билан ярашганлигини ва етказилган зарарни бартараф этилганлигини, ярашув ихтиёрийлигини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси

ЖК 66¹-моддасига асосан, гумон қилинувчига нисбатан жиноят ишини томонларнинг ярашуви муносабати билан ҳаракатдан тугатиб, гумон қилинувчини жиноий жавобгарликдан озод этишни ҳамда жабрланувчига Ўзбекистон Республикаси ЖПК 583-моддасининг 5-қисми талабларини тушунтиришни лозим топди.

Юқоридагиларга ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖК 66¹-моддаси ва Ўзбекистон Республикаси ЖПК 84-моддасининг 4-қисми, 423, 582-586-моддаларига асосан, суд

А Ж Р И М Қ И Л Д И:

Галабоев Давлатбек Мансуржон ўғли (Galaboyev Davlatbek Mansurjon o'g'li) га нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖК 167-моддаси 1-қисми билан бўлган жиноят иши Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66¹-моддасига асосан томонларнинг ярашуви муносабати билан ҳаракатдан тугатилиб, жиноий жавобгарликдан озод қилинсин.

Жабрланувчи С.Хожаевага Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 583-моддаси 5-қисми талаблари тушунтирилсин.

Ажримдан норози тарафларга ўн сутка ичида шу туман суди орқали Тошкент шаҳар судининг жиноят ишлари бўйича



судлов ҳайъатига хусусий тартибда шикоят ёки протест келтириш ҳуқуқи тушунтирилсин.

Раислик қилувчи судья
Н.И.Иноятова

Маъсул судья: Иноятова Наргиза Искандаровна



Ҳужжат имзоланган: Иноятова Наргиза Искандаровна, 02.09.2024

